



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Фармацевтика тармоғини
ривожлантириш агентлиги
директори

С.Кариев

2022 йил “ ___ ” _____

ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги “Миллий қонунчилик базасини комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6218-сонли Фармонига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 7 ноябрдаги ПФ-5229-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 10 апрелдаги ПФ-5707-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4554-сон қарори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 18 декабрдаги 993-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг Фармацевтика тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2019 йил 1 августдаги 641-сон қарорларини қонунчиликдан келиб чиққан ҳолда тизимлаштириш ва тизимлаштириш натижасидан келиб чиққан ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқиш вазифасини амалга ошириш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишлар.

Буюртмачи: Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги

Тошкент – 2022 й

1. Танлашда иштирок этувчилар учун умумий қўлланма

<p>1. Умумий тавсиф</p>	<p>1.1. Мазкур танлаш ҳужжати Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни (кейинги ўринларда Қонун деб юритилади) ҳамда шунга асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 20-февралдаги “Лойиҳаолди, лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва контрактларни экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3550-сон қарори (кейинги ўринларда қарор деб юритилади) талаблари асосида ишлаб чиқилган.</p> <p>1.2. Танлаш мақсади: Фармацевтикага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқиш, ҳужжатларни таҳлил қилиш, тизимлашириш вазифасини амалга ошириш бўйича хизматларни амалга оширувчи ташкилотни аниқлаш</p> <p>1.3. Танлашга қўйилган хизматларни кўрсатишнинг умумий нархи 88 000 000 сўмни ташкил этади.</p> <p>1.4. Буюртмачи томонидан танлашга таклиф этилган нархдан танлашда иштирок этувчининг таклиф этган нархи ошиб кетмаслиги керак.</p> <p>1.5. Хизмат кўрсатишнинг техник топшириғи танлаш ҳужжатларининг техник қисмида акс эттирилган.</p> <p>1.6. Танлаш таклифини расмийлаштириш шакли — электрон тартибда амалга оширилади.</p>
<p>2. Танлаш ташкилотчилари.</p>	<p>2.1. Танлашда “Буюртмачи” сифатида Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги иштирок этади. Манзил: Ташкент шаҳар, Юнусабод тумани, Ч.айтматов 37 А уй Банк реквизитлари: Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги Х/р: 401010860262667076902054001 Ғазначилик х/р: 23402000300100001010 Банк: МБ ББ ҲККМ Ғазначилик СТИР: 201122919 СТИР 305188309 МФО:00014, Э.почта: farmagentlik@minzdrav.uz</p> <p>2.2. Ташкилотчининг алоқа рақамлари: Ш.Ходжаев (97 131 77 54)</p> <p>2.3. Танлаш “Буюртмачи” кўрсатмасига асосан ташкил этилган танлаш комиссияси томонидан 7 (етти) кишидан иборат гуруҳ аъзолари иштирокида амалга оширилади.</p>
<p>3. Танлаш иштирокчилари.</p>	<p>3.1. Мазкур ҳужжатнинг 4.2.-бандида назарда тутилган юридик шахслардан ташқари фаолият туридан қатъий назар барча турдаги юридик шахслар, шунингдек, кичик бизнес субъектлари мазкур танлашда иштирок этиш ҳуқуқига эга.</p>

<p style="text-align: center;">4. Танлашни ўтказиш тартиби</p>	<p>4.1. Танлашда қатнашиш учун танлаш қатнашчиси куйидагиларни амалга ошириши лозим:</p> <p>а). Танлаш шартлари билан танишиш мақсадида “Буюртмачи”нинг махсус маълумотлар порталига жойлаштирилган танлаш ҳужжатларининг электрон шаклини юклаб олиши;</p> <p>б). Мазкур танлаш ҳужжатлари талабларига асосан танлаш (конкурс) таклифларини тақдим этиши.</p> <p>4.2. Танлашда куйидаги юридик шахслар иштирок этишига рухсат берилмайди:</p> <p>а). Фаолияти тугатилиши арафасида турган юридик шахслар;</p> <p>б). Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд юридик шахслар;</p> <p>с). Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилган ижрочилар;</p> <p>4.3. Буюртмачи, куйидаги ҳолатларга кўра иштирокчиларни танлашда қатнашишдан четлаштиради:</p> <p>а). Тарафлар ўртасида Ўзбекистон Республикасининг “Коррупсияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун ҳужжатлари талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширса, шу жумладан, пора беришни таклиф қилса, ваъда берса, товламачилик қилса ва бошқа коррупсиоген ҳолатлар амалга оширилса.</p> <p>4.4. Танлашда иштирок этиш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар ўзбек ва рус тилларида амалга оширилади. Агар бошқа давлат тилида тақдим этиладиган ҳужжатлар мавжуд бўлса, унда албатта ушбу ҳужжатлар ўзбек ва рус тилларида таржима қилинган ҳолда танлашга тақдим этилади.</p> <p>4.5. Танлаш иштирокчиси:</p> <p>а). Тақдим этилган ҳужжат ва маълумотлар учун тўлиқ жавобгарликни ўз зиммасига олади;</p> <p>б). Танлашга битта таклифни тақдим этиш ҳуқуқига эга;</p> <p>в). Танлашда онлайн равишда иштирок этиш ҳуқуқига эга;</p> <p>4.6. Танлаш 2 (икки) босқичда амалга оширилади:</p> <p>а). Танлаш талабига кўра таклиф этилган нархни аниқлаш ва солиштириш;</p> <p>б). “Буюртмачи” томонидан танлаш иштирокчиларининг тақдим этган ҳужжатларига асосан талабларни сифатли, тез ва муддатида бажариш, ишлатиладиган маҳсулотлар тури, шунингдек, эълон шартларига мувофиқ бажариш муддати, тўловни амалга ошириш шартлари билан боғлиқ бошқа ҳолатлар ҳам баҳоланади.</p>
<p style="text-align: center;">5. Танлашни ўтказиш муддати.</p>	<p>5.1. Танлаш иштирокчилари томонидан ҳужжатлар тақдим этилганидан кейин, комиссия аъзолари ушбу ҳужжатларни 10 кун муддат ичида ўрганиб чиқади.</p>
<p style="text-align: center;">6. Комиссия томонидан баҳолаш</p>	<p>6.1. Баҳолаш мезони Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун ҳамда Ўзбекистон</p>

<p>мезони ва тартиби.</p>	<p>Республикаси Президентининг 2018-йил 20-февралдаги “Лойиҳаолди, лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва контрактларни экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3550-сон қарор ҳамда тегишли норматив ҳужжатлар асосида амалга оширилади.</p> <p>6.2. Танлаш иштирокчилари томонидан тақдим этилган таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш мезони таклифларни қабул қилиш муддати тугаганидан кейин 10 кун муддат ичида амалга оширилади.</p> <p>6.3. Баҳолаш мезони жараёнида танлаш иштирокчилари томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотлар ҳақиқий эмаслиги аниқланса, комиссия ушбу иштирокчини танлашда қатнашишдан четлаштиради.</p> <p>6.4. Танлаш ғолиби берилган таклифлар ва баҳолаш мезонига асосан аниқланади.</p>
<p>7. Шартномани расмийлаштириш тартиби</p>	<p>7.1. Танлаш натижасига кўра танлаш ғолиби (юридик шахс) билан 2 (икки) кун муддатда тегишли шартномалар расмийлаштирилади</p>